

## БАНК ТИЗИМИДА МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР (NPL) БИЛАН ИШЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА

Ҳазратқулов Заҳриддин Собиржанович  
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш  
Академияси мустақил изланувчиси  
E-mail: [mamajanovabror2001@gmail.com](mailto:mamajanovabror2001@gmail.com)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20569984>

**Аннотация.** Ушбу тезисда банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) билан ишлашда прокуратура органларининг роли Ўзбекистон мисолида таҳлил қилинади. Муаммоли кредитлар банк ликвидлиги, кредит портфели сифати, молиявий барқарорлик, давлат иқтисодий хавфсизлиги ва фуқаролар манфаатларига таъсир кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий-иқтисодий кўрсаткич сифатида баҳоланади. Тезисда NPL билан ишлашда прокуратура банкнинг тижорат таваккалчилигини алмаштирмаслиги, балки муаммоли кредитлар ортидаги қонунбузарликлар, коррупциявий келишувлар, кредит маблағларини талон-торож қилиш, ҳисоботларни бузиб кўрсатиш ва манфаатлар тўқнашувини аниқлашга қаратилган ҳуқуқий вазифани бажариши асосланади. Шунингдек, 90 кунлик мезоннинг чекланган жиҳатлари, 60 кунлик эрта огоҳлантириш индикатори, реструктуризация қилинган кредитлар таҳлили ва банк кредит қўмитаси аъзоларининг жавобгарлиги бўйича таклифлар илгари сурилади.

**Калит сўзлар:** муаммоли кредитлар, NPL, прокуратура, банк тизими, кредит портфели, ликвидлик, реструктуризация, гаров, кредит қўмитаси, Марказий банк, молиявий барқарорлик, риск-индикатор.

Муаммоли кредитлар банк тизимининг молиявий барқарорлигини баҳолашда энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. NPL улушининг ортиши кредит портфели сифатининг пасайиши, банк активларининг қадрсизланиши, захиралар ҳажмининг кўпайиши, янги кредитлаш имкониятларининг қисқариши ва молиявий тизимга ишончнинг сусайишига олиб келади. Шу сабабли муаммоли кредитлар билан ишлаш фақат банкнинг ички риск-менежменти масаласи эмас, балки қонунчиликка риоя этилиши, давлат иқтисодий хавфсизлиги ва фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий масала сифатида баҳоланиши лозим.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, банк тизимида муаммоли кредитлар улушининг ортиши молиявий барқарорлик учун жиддий хавф омилларидан бири ҳисобланади [1]. Халқаро валюта фонди ҳам молиявий барқарорликка оид таҳлилларида активлар сифати, банк ликвидлиги ва кредит хатарларини бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратади [2]. Европа Иттифоқи қонунчилигида кредит муассасалари фаолияти ва пруденциал назорат масалалари Directive 2013/36/EU орқали тартибга солинган бўлиб, унда хавфларни барвақт баҳолаш ва назорат органларининг самарали аралашуви муҳим аҳамият касб этади [3].

Ўзбекистонда муаммоли кредитлар билан ишлашнинг ҳуқуқий асосларидан бири Марказий банкнинг тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш тартибига оид қарори ҳисобланади [4]. Ушбу тартиб банк активларини стандарт, субстандарт, қониқарсиз, шубҳали ва умидсиз тоифаларга ажратиш орқали кредит портфели сифатини баҳолашга хизмат қилади. Бироқ амалиётда кредит сифатини формал ҳисобот кўрсаткичлари орқали баҳолаш доим ҳам қонунбузарлик хавфини ўз вақтида аниқлаш имконини бермайди.

Прокуратура органларининг NPL билан ишлашдаги роли банкнинг тижорат таваккалчилигини алмаштиришдан иборат эмас. Банк ҳар доим маълум даражада кредит хавфини ўз зиммасига олади. Лекин кредит муаммоли ҳолатга келганида, унинг ортида қонунбузарлик, коррупциявий келишув, кредит маблағларини талон-торож қилиш, сохта ҳужжатлар, гаров қийматини сунъий ошириш, қарз олувчининг ҳақиқий тўлов қобилиятини ўрганмаслик ёки ҳисоботларни нотўғри юритиш аломатлари мавжуд бўлса, прокурор назорати зарур ҳуқуқий воситага айланади. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун прокуратура органларига қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш вазифасини юклайди [5].

NPL бўйича прокурор назорати, аввало, муаммоли кредит пайдо бўлишига сабаб бўлган ҳуқуқий омилларни аниқлашга қаратилган бўлиши керак. Бунда кредит ажратиш вақтида қарз олувчининг тўлов қобилияти ҳақиқатан ўрганилганми, гаров реал бозор қийматига мос баҳоланганми, кредит қўмитаси қарори асосланганми, банк ходимлари ва қарз олувчи ўртасида манфаатдорлик мавжуд эмасми, кредит маблағлари белгиланган мақсадда сарфланганми, реструктуризация иқтисодий асосга эгами – ушбу саволлар прокурорлик таҳлилининг марказида бўлиши лозим.

Расмий ва идоравий таҳлилий маълумотларга кўра, 2019–2024 йилларда кредит портфели ўсиши билан бирга муаммоли кредитлар улуши ҳам жадал ошган, 2023–2024 йилларда эса кредит маблағларини талон-торож қилишга оид кўплаб ҳолатлар аниқланган [6]. Бундай ҳолатлар муаммоли кредитларни фақат иқтисодий кўрсаткич сифатида эмас, балки эҳтимолий ҳуқуқбузарликларнинг индикатори сифатида ҳам баҳолаш заруратини кўрсатади.

90 кунлик кечикиш мезони халқаро ва миллий амалиётда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, у ҳар доим ҳам прокурорлик профилактикаси учун етарли эмас. Чунки кредит 90 кун кечиккан пайтга келиб, қарз олувчининг молиявий ҳолати янада ёмонлашган, гаров ликвидлиги пасайган ёки маблағлар аллақачон бошқа мақсадларга сарфланган бўлиши мумкин. Шу боис 60 кунлик эрта огоҳлантириш индикаторини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу кредитни автоматик равишда “умидсиз” деб топишни англамайди, балки банк ва прокуратура учун хавфни барвақт таҳлил қилиш сигнали вазифасини бажаради.

Реструктуризация қилинган кредитлар ҳам прокурор назоратида алоҳида ўрин тутиши лозим. Реструктуризация ҳақиқатан қарз олувчини тиклаш воситасими ёки муаммоли кредитни ҳисоботларда яшириш усулими – бу савол ҳар бир ҳолатда алоҳида ўрганилиши керак. Агар реструктуризация қарз олувчининг реал молиявий имкониятларини ҳисобга олмасдан, фақат кредитни муаммоли тоифадан чиқариш мақсадида амалга оширилган бўлса, бу банк мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масаласини келтириб чиқариши мумкин.

Банк кредит қўмитаси аъзолари ва масъул ходимларнинг жавобгарлиги ҳам муҳим масаладир. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун банк фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди [7]. Бироқ кредит қарорлари коллегиял қабул қилиниши айрим ҳолларда шахсий жавобгарликни “тарқатиб юбориш” хавфини келтириб чиқаради. Шунинг учун кредит қўмитаси баённомаларида ҳар бир масъул шахснинг позицияси, хавф баҳоси, гаров ҳақидаги хулоса ва манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги аниқ қайд этилиши лозим.

Прокуратуранинг Марказий банк, солиқ органлари, мажбурий ижро органлари ва молиявий мониторинг тузилмалари билан ҳамкорлиги NPL билан ишлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Марказий банк кредит портфели ва активлар сифати бўйича маълумотга эга, солиқ органлари қарз олувчининг ҳақиқий айланмаларини кўра олади, молиявий мониторинг шубҳали операциялар ҳақида ахборот беради, мажбурий ижро органлари эса ундириш босқичидаги муаммоларни аниқлайди. Прокуратура ушбу маълумотларни ҳуқуқий таҳлилга бирлаштирувчи мувофиқлаштирувчи субъект сифатида иштирок этиши мумкин.

О.И. Лаврушин кредитни иқтисодий муомалада ссуда капитали ҳаракати сифатида тушунтирган бўлса [8], Р.Голдсмит молиявий тизимни активларни жамлаш ва самарали тақсимлашга хизмат қилувчи институционал тузилма сифатида баҳолайди [9]. Ушбу назарий ёндашувлар NPL муаммосини фақат банк ҳисоботи эмас, балки молиявий ресурсларнинг самарали ва қонуний айланиши нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса ўрнади айтти лозимки, муаммоли кредитлар билан ишлашда прокуратура органларининг вазифаси банк бизнес-қарорларини алмаштириш эмас, балки NPL ортида турган эҳтимолий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, фуқаролар ва давлат манфаатларига зарар етказувчи ҳолатларни бартараф этиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда, *биринчидан*, NPL бўйича прокурор текширувларининг ягона методикасини ишлаб чиқиш лозим.

*Иккинчидан*, 60 кунлик early warning indicator тизими жорий этилиши зарур.

*Учинчидан*, реструктуризация қилинган кредитлар бўйича алоҳида прокурорлик таҳлили йўлга қўйилиши керак.

*Тўртинчидан*, банк кредит қўмитаси аъзоларининг шахсий жавобгарлиги механизмлари кучайтирилиши мақсадга мувофиқ.

*Бешинчидан*, прокуратура ва Марказий банк ўртасида муаммоли кредитлар бўйича электрон ахборот алмашинуви тизими жорий этилиши

лозим. Узоқ муддатли истиқболда эса “Муаммоли кредитлар тўғрисида”ги махсус қонун қабул қилиш масаласи илмий ва амалий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

### **Adabiyotlar, References, Литературы:**

1. World Bank. Global Financial Stability Report 2023. Non-Performing Loans: Global Trends and Policy Options. Washington: World Bank, 2023.
2. International Monetary Fund. Global Financial Stability Report. Washington, D.C.: IMF.
3. Directive 2013/36/EU of the European Parliament and of the Council of 26 June 2013 on access to the activity of credit institutions and prudential supervision of credit institutions and investment firms.
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори. 2015 йил 13 июнь, 14/5-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни. 2001 йил 29 август, 257-II-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кредит секторидagi қонунбузарликлар бўйича идоравий таҳлилий маълумотлари. Тошкент, 2024.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2019 йил 5 ноябрь, ЎРҚ–580-сон.
8. Лаврушин О.И. Кредит как стоимостная категория социалистического производства. – М.: Финансы и статистика, 1989. – С. 173.
9. Goldsmith R.W. Financial Structure and Development. – New Haven: Yale University Press, 1969. – P. 34–38.